

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupanova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUUJATLARIDA YORITILISHI.....	353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Исматова Наргиза Камаритдиновна,
"Ziyo-zukko" таълим масканидиректори,
ЎзФА Тарих институти мустақил тадқиқотчиси

ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 ЙИЛЛАР)

For citation: Ismatova Nargiza Kamaritdinovna. REFORMS OF GENERAL AND SECONDARY EDUCATION IN UPDATED UZBEKISTAN (1989-2020 years). Look to the past. 2020, SI, pp.307-318

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-38>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимиздаги таълим тизими соҳасидаги чорак асрлик ислоҳотлар, мазкур соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ва узлуксиз таълим тизимини ривожланиш борасида амалга оширилган самарали фаолият ёритиб берилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг сифат-самарадорлигини оширишда Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини янада оптималлаштириш масалалари ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва копетенцияларини баҳолаш тизими таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, ислоҳот, халқ таълими, умумий ўрта таълим, касб-хунар, коллеж-лицей, дастур, узвийлик, узлуксизлик, "Ўзбекистон тарихи", "Дунё динлари тарихи", "Иқтисодий билим асослари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", Давлат умуммиллий дастури, Вояга етмаганлар, коррупция, таълим сифати, Давлат таълим стандартлари, билим, кўникма, малака, копетенция, тажриба-синов.

Исматова Наргиза Камаритдиновна,
Директор образовательного учреждения
"Зиё-зукко" и независимый научный сотрудник
Института истории Академии наук Узбекистана

РЕФОРМЫ ОБЩЕГО И СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ОБНОВЛЁННОМ УЗБЕКИСТАНЕ (ГГ. 1989-2020)

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещаются реформы, проведенные в Узбекистане, на протяжении четверти века, разработка нормативных документов в этой области и эффективная работа по развитию системы непрерывного образования. Анализируются вопросы дальнейшей оптимизации государственных образовательных стандартов и учебных планов для повышения качества и эффективности системы непрерывного образования и, как следствие, системы оценки знаний, умений, навыков и компетенций учащихся.

Ключевые слова: независимость, реформа, государственное образование, общее среднее образование, профессионально-техническое образование, колледж-лицей, программа, продолжительность, непрерывность, "История Узбекистана", "История мировых религий", "Основы экономических знаний", "Основы государства и права" общенациональная программа, несовершеннолетние, коррупция, качество образования, государственные образовательные стандарты, знания, навыки, квалификация, компетентность, тестирование.

Ismatova Nargiza Kamaritdinovna,

The director of educational institution "Ziyo-zukko"
and independent researcher of the institute
of History of academy of sciences of Uzbekistan

**REFORMS OF GENERAL AND SECONDARY EDUCATION IN
UPDATED UZBEKISTAN (1989-2020 YEARS)****ABSTRACT**

This article highlights a quarter century of education in our country, the creation of criterial documents in this area, and the effective work of developing a continuing education system. The issues of further optimization of the state educational standards and curricula to improve the quality and effectiveness of the continuous education system and, as a result, the system of evaluation of students' knowledge, skills, qualifications and competencies are analyzed.

Index Terms: independence, reform, public education, general secondary education, vocational education, college-lyceum, program, continuity, uninterrupted, "History of Uzbekistan", "History of world religions", "Fundamentals of economic knowledge", "Fundamentals of state and law" nationwide program, minors, corruption, quality of education, state educational standards, knowledge, skills, qualification, competence, testing.

Долзарблиги. Башарият тарихининг барча даврларида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган ва бу ижтимоий ҳаётнинг узлуксиз, ажралмас қисми сифатида эътироф этилган. Дарҳақиқат, таълим ва тарбия тушунчаси бир-бирини тақозо этади. Ҳатто, миллатимизнинг буюк шахслари томонидан таълимдан тарбияни ажратиб бўлмади, деб бежиз уқтирилмаган.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасига оид бўлган кўплаб қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши таълимга давлат сиёсати даражасида берилган эътиборнинг белгисидир. Таълим соҳасини ривожлантириш учун мамлакатимизда таълимнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва у мамлакатимиз

конституциясида ва қонунларида, қонун ости ҳужжатларида мустақамланди. Таълим соҳасига оид меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши мамлакатимиз таълим тизимини ривожланиши учун асос вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими 1989-1997 йилларга назар ташланса, 1980-йилларнинг охирида содир бўлган иқтисодий соҳадаги муаммолар жамиятнинг сиёсий ва маданий ҳаётига ҳамда таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Мамлакатдаги маънавий таназул таълим тизимига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди ва оқибатда ёшлар орасида билим сифати пасайиб кетди. Таълим тизимидаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида миллатнинг фидоий инсонлари ошкоралик ва демократиянинг "имконият"ларидан фойдаланиб, оммавий-ахборот воситаларида чиқишлар қилишар эди. Миллатни таназулдан қутқариб қолишнинг бирдан-бир йўли таълим тизимини ислоҳ қилиш деган ғояни кўтариб чиқар эдилар. [1] Бошқа соҳалар каби таълим соҳасининг ҳам марказга тобелиги сабабли таълимга замонавий технологияларни олиб келиш, ўқув дастурларини миллий қадриятлар ва ижтимоий ҳаётдаги эҳтиёжлар асосида яратиш имконияти йўқ эди.

1990 йилда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими соҳасини янги ёндашувлар асосида тубдан ислоҳ қилиш имконияти туғилди. Мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш ва уни мустақамлаш учун таълим соҳасини ислоҳ қилиш, мамлакат учун янги кадрларни тайёрлаш керак эди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эга бўлгач, дастлабки қабул қилинган қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни [2] бўлди. Бу қонун мамлакатимизда бошқа долзарб соҳалар қаторида бўлган таълим соҳасининг ҳам ҳуқуқий асосларини шаклланишига йўл очиб берди. Мазкур қонунда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг билим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган нормалар ўз аксини топди. "Таълим тўғрисида"ги ушбу қонунда Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўгин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятларини, маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлаши қайд этилди. Унда умумий таълим уч босқич: бошланғич таълим (I-IV синфлар), таянч таълим (V-IX синфлар) ва ўрта таълим (X-XI (XII) синфлар) босқичларидан иборат эканлиги белгилаб берилган эди.

Қонунда бошланғич таълим таянч ва ўрта мактабларда, бошқа ўрта ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар ва бошқаларда) амалга оширилиши белгиланди. Таянч таълим мажбурий бўлиб, таълим олувчиларга ўрта таълим муассаларида, турли хил ҳунар ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишни давом этириш ҳуқуқини берди. Ҳар бир босқичда таълим олувчининг ёши ва таълимнинг давомийлик муддати тегишли таълим муассасасининг устави билан белгиланиши кўрсатиб берилган бўлиб, бу масала кўпгина мунозараларга сабаб бўлган эди.

Учинчи босқич- ўрта таълимга X-XI (XII) синф учун таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш танлов асосида амалга оширилди. Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълимнинг жорий этилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар белгиланиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкинлиги қайд этилди. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланди. Мазкур босқичда ҳам дастурларнинг умумтаълим муассасаси томонидан тасдиқланиш ҳуқуқининг берилиши, давлат таълим стандартларининг бажарилмаслиги ёки қисман бажаралишига олиб келди. Шунингдек, таълим

муассасаларининг муассислари сифатида давлат бошқаруви республика ва маҳаллий идоралари, мулкчиликнинг барча шаклидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар, жамоат бирлашмалари билан бир қаторда диний ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар таълим муассасаларининг муассислари бўлишлари мумкинлиги қонунда кўрсатилган эди. Муассисларнинг бундай белгиланиши ҳам айнан шу давр учун кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди.

Жумладан, хорижий муассислар томонидан ташкил қилинган айрим гимназияларда мамлакатимизнинг миллий қадриятлари ва маънавиятига, давлатимизнинг демократик принципларига зид бўлган мафкуралар сингдирилган таълим сиёсатини олиб бориш ҳолатлари кузатилди. Масалан, 1993 йилда Ўзбекистонда 65 та турк таълим муассасалари ташкил этилди.

1993 йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон-Туркия лицейларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 255-сон Қарори қабул қилинди. Қарорнинг 2-бандида "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бир ой муддатда 1992 йилда Туркия Республикаси ("СИЛМ" фирмаси) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон-Туркия лицейларини расмийлаштирсин, лицензиялар берсин ва аккредитациядан ўтказсин", деб белгиланган эди [3]. Мазкур ҳужжатнинг 6-бандида мутасадди ташкилотларга Ўзбекистон-Туркия лицейида фаолият юритаётган туркия фуқароларининг, уларнинг оила аъзоларининг улар ишлаган бутун даврда Ўзбекистон Республикасида бўлишлари ва республика ичида ҳаракат қилишлари билан боғлиқ масалалар ҳал этилиши белгиланган тартибда таъминланиши кўрсатиб ўтилган. 1999 йилда мазкур қарорнинг ушбу банди таҳрир қилинди. Қарорнинг 1-иловасининг 6-бандида ўқитиш самарадорлигини кучайтириш учун ҳар бир синф икки гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳ билан ихтисослик фанлари, тиллар, информатика, жисмоний тарбия, меҳнат бўйича дарслар ва лаборатория машғулотларидан алоҳида-алоҳида ўтилиши белгилаб қўйилган эди. Натижада, "Ўзбекистон тарихи", "Ўзбек мумтоз адабиёти", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Ватан туйғуси", "Маънавият асослари" каби фанлар учун ажратилган соатлар ушбу лицейларда қисқариб кетди. Бу эса умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари бажарилишининг чекланишига олиб келди.

1999 йилга келиб эса мамлакатда ушбу муассасаларнинг барчаси ёпилган бўлса, 2008 йилга келиб, Туркия давлати билан таълим соҳасига оид бўлган барча келишув ва қарорлар бекор қилинди. Бу ҳақида Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Башар Шен "Фатхуллоҳчи террор ташкилоти ўзини бир пайтда таълим улашувчи бўгин сифатида яхши кўрсатиб, дунёнинг 150-160 давлатига жойлашиб олаётган бир даврда, Ўзбекистон ҳукумати унинг асл ниятини ўша ондаёқ сеза олди ва унинг илдизини бутунлай кўпориб ташлади. Биз буни миннатдорчилик билан айтишимиз лозим", - деб таъкидлайди [4].

Мазкур йилларда умумтаълим мактабларининг янгидан шаклланаётган ўқув режаларига "Эски ўзбек ёзуви", "Одобнома" каби фанлар киритилди. 1993 йилда Ўзбекистоннинг "Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосини киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши эски ўзбек ёзуви дарслари ўз ўрнини лотин графикасига асосланган алифбони ўрганиш дарсларига алмаштирилди. Дастлаб янги алифбога ўтиш 2000 йилга бориб

яқунланиши режалаштирилган бўлса-да, унинг муддати 2005 йилгача, кейин эса - 2010 йилга узайтирилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизимига қаратилаган эътибор ва бу йўналиш юзасидан умум қабул қилинган тарихий ва социологик методлар - тарихийлик, қиёсий-мантиқийлик, таҳлилий, кетма-кетлик, холислик, объективлик тамойиллари асосида ёритилган.

Истиқлолдан кейинги чорак асрдан зиёдроқ даврда мактаб таълими масаласи, уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уларга давлат томонидан яратилган ва яратилаётган кенг имкониятлар, масаланинг у ёки бу жиҳатлари ўзбекистонлик олимлар, аввало, Давлатимиз Раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг (The President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev) маъруза ва асарларида, қолаверса, мамлакатимизда узлуксиз таълим муассасаларига оид, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кенг шароитлар яратишга оид бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1. (The National Program for Personnel Training of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, August 29, 1997 №463-1.) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №464-1. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Education". Tashkent, August 29, 1997 №464-1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan # 187 dated April 6, 2017 "On approval of state educational standards for general secondary and secondary special and professional education".) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 9, 2004 No 321 "On Measures for Implementation of the National Program for the Development of School Education for 2004-2009".)ларида ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

Айнан 1989-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- Ўзбекистон Республикасида фуқароларининг билим олиш ҳуқуқи мамлакат Конституция ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилди;

- Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди.

Мазкур даврларнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталадиган бўлинса, 1997 йил 29 августда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" [5] ҳамда "Таълим тўғрисида"ги [6] қонунларнинг қабул қилиниши билан таълим сиёсатида, унинг мазмун моҳиятида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, таълим тизимига янги фанлар кириб келди.

Булар "Ўзбекистон тарихи", "Дунё динлари тарихи", "Иқтисодий билим асослари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Миллий истиқлол гоёси: Асосий тушунча ва тамойиллар" туркумига кирувчи фанлар (Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари), ушбу фан мутахассисларини тайёрлаш

борасида ҳам муҳим вазифалар амалга оширилиб, бу фанлардан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлари яратила бошланди.

Бу йилларида узлуксиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини амалга оширишда собиқ иттифоқда жорий этилган ягона мафкурага асосланган ёндашувдан воз кечилди;
- таълим соҳасига оид давлат бошқарув органлари фаолияти қайта ташкил этилди;
- олий ўқув юртларига киришнинг янги тест-синов тизими ҳамда уларда таълим олишнинг тўлов-контракт шакли жорий этилди;
- вилоятларда олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича қатор чоратadbирлар амалга оширилди, жумладан, институтлар базасида университетлар ташкил топди;
- муайян йўналиш ва фанларга ихтисослашган гимназиялар ташкил этилди;
- хусусий мактабгача таълим муассасалари вужудга кела бошлади.

Мазкур даврдаги халқ таълими тизимини моддий-техника базасини таҳлил қилар эканмиз, унда қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил
Дарсликлар билан таъминлаш	55,4 %	76 %
Компьютер ўқув хоналари билан таъминлаш (мактаблар сони фоиз нисбатида)	2,4 %	10,4 %
Замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик (мактаблар сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	16,4 %	21,5 %
Мактабдан ташқари таълим муассасалари сони	371	483

Мазкур моддий-техника базаси билан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган жаҳон андозаларига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имконияти етарли эмас эди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Ўзбекистон Таълим тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида 1999-2009 йилларда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон қарори [7] билан Умумий ўрта таълимни Давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, босқичма-босқич амалиётга жорий этилди.

-Ҳар бир фан бўйича ўқувчиларни эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ишлаб чиқилди.

- умумий ўрта таълим олишнинг бошланғич синфларига 6 ва 7 ёшдан қабул қилиш амалиёти қўллана бошланди;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 9+3 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилди ҳамда амалиётга тўлиқ татбиқ этилди;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг моддий-техник базаси тўлиқ янгиланди ва замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди;

- олий таълимни бакалаврият ва магистратура босқичларида амалга ошириш

тизими яратилди;

- таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди;

- умумий ўрта таълим тизимида дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларни танлов асосида яратиш механизми ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги 3431-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги 321-сонли қарори [8] қабул қилинди. Дастурда мактаб таълимини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгилаб берилди.

1999-2003 йиллар мобайнида ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ДТС ва ўқув дастурлари ўқувчилар ёшини ва физиологик хусусиятларини ҳамма фанларда ҳам ҳисобга олинмаганлиги, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар фақат битирувчи синфлар учун белгилаб қўйилганлиги, билим, кўникма ва малакалар бир-биридан фарқи ажратилмаганлиги, ҳаттоки, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4 ва 8 синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7 синфларда информатика фанларидан ДТС яратилмаганлиги аниқланди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлар янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгартириш ишлари бажарилди.

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синфлар учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Республика бўйича мактабларнинг педагог ходимлар билан таъминланиши 2004-2005 ўқув йилида 447129 нафарни ташкил этиб, педагогларга бўлган эҳтиёжлар мавжуд эди. Бу эҳтиёжга қуйидагича ечим топишга ҳаракат қилинди. 2004 йилда олий ўқув юрларининг педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича таҳсил олган 2945 нафар битирувчи иш билан таъминланган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 6751 нафарни, 2008-2009 ўқув йилида 7209 нафар ёш мутахассисларни ташкил этди. 2009-2010 ўқув йилида 7359 нафар мутахассислар жалбэтилган.

Аҳолининг узлуксиз таълим олишини таъминлаш, 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтилди.

Бу давр оралиғида 1500 дан зиёд ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриб битказилди. Мазкур даврда амалга оширилган ишлар натижаси ҳам таълим соҳаси олдига қўйган вазифаларни тўлиқ амалга ошира олмади. Ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда билим олиш, ўрганиш, кўникмаларини шакллантириш, малакаларга эга бўлиш каби тамойил асосий ўринни эгаллайди. Лекин, ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда буларнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатди. Чунки, мамлакатимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий сиёсати - Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, шу билан бирга, халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал

тизимини шакллантиришни Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарт сифатида белгилайди.

Бунда таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг бюртмаларини шакллантиришнинг механизмларига ва талабларига мос бўлган кадрларни тайёрлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

2004-2009 йиллар давомида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари Ҳукумат комиссиясининг 2009 йил 16 декабрдаги 07/1-356-сонли мажлис баёни билан тасдиқланди.

2009 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни том маънода "халқ таълими тизимида тажриба синовлар даври" деб атасак бўлади.

Такомиллашган умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари ва фан дастурлари амалиётга татбиқ этилди. Лекин, 2010 йилда ўтказилган мониторинг натижаларига кўра таълим сифати ўзгаришларсиз қолаверди. Сифат кўрсаткичлар паст чиқди. Таълим сифатини кўтариш учун давлат таълим стандартларини оптималлаштириш керак деган зарурат натижасида Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 31 мартдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида"ги 134- ва 62-сон қўшма қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқоқори педагогик маҳорат ва тажрибага эга амалиётчи ўқитувчилари, етакчи олим, методист ва мутахассисларни жалб этган ҳолда 31 та ишчи гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳларнинг олдида Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини янада оптималлаштиришдан мақсад қилиб қўйилди. Ишчи гуруҳ, Давлат таълим стандартлари таркибий компонентларини яхлит тизимга келтириш, ДТСлари шарҳлари ва дастурларини умумийликка келтириш, мавзуларни асоссиз равишда такрорланишини бартараф этиш, Ўқув дастурларни узвийлик ва узлуксизлигилигини таъминлаш, ўқув юктамаларини ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мослаштириш вазифаларини амалга оширишлари зарур эди. Давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари ва дарсликларни, ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мослиги икки босқичда таҳлил қилинди.

Биринчи босқичда (горизонтал таҳлил) умумий ўрта таълимда ўқитиладиган 24 та ўқув фани бўйича, иккинчи босқичда (вертикал таҳлил) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўрганилиши давом этадиган 17 та умумтаълим фанлари бўйича. Умумий ўрта таълимдаги жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилди. 327 соат синфдан синфга кўчирилди. 239 соат ўқув дастурларида такрорлан-ганлиги учун қисқартирилди. 247 соат ўрта махсус касб-хунар таълимига ўтказилди.

Натижада, умумий ўрта таълим давлат стандартларининг шарҳлари ва умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб хунар коллежларида ўқитиладиган 18 та умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари қайта ишланди. Лекин 2012-2013 ўқув йилида халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижалари таълим сифатини салбий кўрсаткичларини аниқлади. Бу эса таълим стандартларини замон талаблари мос эмаслигига, узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартларини қайта кўриб чиқиш керак деган хулосага келинди. Бунинг сабаби, таълим стандартлари ижтимоий-ҳаётдан узилиб қолганлиги,

ўқувчиларни ҳаётий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги маълум бўлиб қолди. Узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 28/ҚҚ-сонли, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2013 йил 4 июндаги 30/ҚҚ-сонли, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги 2013 йил 4 июндаги 27-сонли қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиладиган 16 та умумтаълим фанлари бўйича амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ҳамда етакчи олимлардан иборат ижодий гуруҳлар шакллантирилди ҳамда дунёнинг ривожланган давлатларининг таълим стандартлари ва уларнинг ишлаб чиқиш тажрибаси ўрганилди.

Таълим-тарбия сифатини оширишнинг асоси ҳисобланган, компетенциявий ёндашувга асосланган талаблар ҳамда ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларини амалиётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 22 августдаги 39- ҚБ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2013 йил 22 августдаги 41- ҚБ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 22 августдаги 273 ҚБ-сонли "Умумтаълим фанлари бўйича умумий Ўрта, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида"ги қўшма буйруғи қабул қилинди.

Қўшма буйруқ асосида 2013-2014, 2014-2015, 2015-2016 ўқув йилларида компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган Республика миқёсидаги 39 та умумий ўрта таълим муассасаларида, 28 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларида тажриба-синовдан ўтказилди.

2017 йил таълим тизимида янги даврни бошлаб берди. Бугунги кунда иш ўринларидаги асосий вазифалар компьютерлар зиммасига юкланиб борар экан, ходимларнинг тобора кўпроқ қисми мослашувчанлик ва муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни талаб этувчи вазифалар билан банд бўладилар.

Мавжуд иш ўринларида меҳнат қилиш лаёқатига тайёр бўлишлари;

Олган билимларини амалиётга татбиқ эта олишлари;

Кундалик ҳаётида қўлловчи технологиялардан хабардор бўлишлари

Муаммо хусусида чуқур фикрлаш ва ўз билимини ошириб бориш, зарурат бўлганда қарор қабул қила олиш;

Меҳнат жамоаси ва мутахассислар билан ҳамкорлик қила олиш;

Муаммоларни ҳал этиш ва янги фикрлар яратишда технологиялардан фойдалана олишлари талаб этилади.

Натижада 2017 йилнинг 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 187-сон қарори [9] қабул қилинди. Қарорда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши қайд этилди. Лекин, мазкур давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар ҳаракатсиз қолди. Бу масалаларнинг сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан 9+3 деб номланган мажбурий таълим тизимини жорий этиш учун

мамлакатимиздаги таълим тизимининг моддий техника базаси етарли эмас эди.

Иккинчидан мамлакатимиз турли ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Учинчидан умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг кадрлар билан таъминлаш имконияти етарли эмаслиги шунингдек, умумий ўрта таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш масалаларида халқ таълими муассасалари ҳамда педагогларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги.

Тўртинчидан, коллеж ўқувчисига катталарга бўлгандек муносабатнинг шаклланиши ҳамда уларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятлари инобатга олмаган эди. Масалан умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари бир йил давомида 34 ҳафта ўқиган бир вақтда айнан касб-ҳунар таълим муассасаларининг 1-2-курс ўқувчилари учун бу жараён 40 ҳафтани ташкил этарди. Умумтаълим мактабларида айнан шу синфлар учун ўқув соатлари 45 дақиқа деб белгиланган вақтда КХКларида 80 дақиқа деб белгиланиши.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларининг аксарият ёши 14-15 ёш бўлган ҳолда ўсмирликка ўтиш даврида янги жамоага мослашиши ва ўзини шахс сифатида тасдиқлаш жараёни кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Бешинчидан, коллеж ва лицейларнинг ҳудудлар эҳтиёжини инобатга олмаган ҳолда ташкил этилиши, ўқувчиларнинг яшаш жойларидан анча узоқдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қатнаб ўқиши билан боғлиқ муаммолар ўқувчилар даволатини кескин пасайиб кетишига олиб келди.

Таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техниксини таъминлаш механизмининг мукамал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги.

Олтинчидан, умумий ўрта таълим билан касб ҳунар таълими ўртасида умумтаълим фанлари ўртасида узвийлик ва узлуксизликка амал қилинмаганлиги таълим сифати ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Энг асосийси ўқувчиларни дарсликлар ва бошқа зарурий ўқув адабиётлар билан таъминлаш масаласининг тўлиқ ҳал этилмаганлиги. Шунингдек, ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар) умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг иштироки ташкил этилмаган.

Биргина халқ таълими тизимида дастурлар ва давлат табларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ тажриба синов ишлари 1997-2017 йиллар оралиғида қарийиб 5 маротаба амалга оширилди. Бу дастурларнинг бирортаси тўлиқ охирига етказилмади. Ҳар уч йилда дастурларнинг алмашилиши натижаси таълимнинг сифатига салбий таъсир кўрсатди. Ҳамда кутилган натижани бермади.

Еттинчидан, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларнинг яшаш ҳудудидан анча узоқлиги ва турли ҳудудларда жойлашганлиги сабабли, Битта маҳалладиги болалар вилоятининг ёки шаҳарнинг турли ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежларига ўқишга бориши сабабли оила-маҳалла-таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилиш масалалари фақат қоғозларда расмийлаштирилди. Бу эса, ўқувчилар ўртасида, яъни вояга етмаганлар ўртасида қаровсизликни юзага келтирди. Натижада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, безорлик каби иллатлар кўпайди. Қизлар

масаласида ҳам, уларни эрта турмушга бериш, эрта туғруқ каби муаммолар кўпайиб борди.

Саккизинчидан, халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратиш тўлиқ таъминланмаган эди.

Тўққизинчидан, мавжуд муаммоларни ечиш учун улар билан боғлиқ илмий асосланган маълумотларнинг етишмас эди. Педагогика йўналишида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар амалиётдан узилиб қолган эди.

Инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технология-ларини жорий этилса-да, улардан фойдаланиш бўйича кадрлар салоҳиятининг етишмаслиги бугунги куннинг асосий муаммосига айланди.

Таълим тизимидаги ҳар қандай ислоҳотлар самараси ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қараб ўлчаниши зарур. Мазкур ўринда "таълимнинг натижаси нима билан ўлчанади?", "аттестатдаги баҳо биланми?" ёки "ижтимоий ҳаётга тайёргарлик биланми?" деган савол ўзи-ўзидан фикрингни эгаллайди.

2017 йил мамлакат президентининг виртуал қабулхонасига ота-оналар томонидан 10-11 синфларни очиш масаласи бўйича билдирилган таклифлар кенг жамоатчиликнинг муҳокамасига кўйилди. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Мазкур масалаларни ҳал этиш ва таълим соҳаси кадрлари сиёсатини такомиллаштириш, кадрларга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш бўйича айнан 2017 йилдан бошлаб мамлакат раҳбари ва ҳукуматнинг бир қатор ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб бугунги кунда ижрога йўналтирилган. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси ва юксалиши борасида Халқ таълими вазирлигининг бугунги кундаги фаолиятини таълим соҳасидаги янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкилаб ўтиш лозим:

- истиқлолнинг давтлабки даврида мамлакатимизда халқ таълими соҳасини янги ёндашувлар асосида тубдан ислоҳ қилиш имконияти туғилди. Мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш ва уни мустақкамлаш учун таълим соҳасини ислоҳ қилиш, мамлакат учун янги кадрларни тайёрлашга бўлган талаб давлат бош ислоҳотчилиги доирасида амалга оширилиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

- таълимдаги ислоҳотлар тажрижий ривожланиши натижасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини амалга оширишда собиқ иттифоқда жорий этилган ягона мафкурага асосланган ёндашувдан воз кечилиб, таълим соҳасига оид давлат бошқарув органлари фаолияти қайта ташкил этилди ва олий ўқув юртларига киришнинг янги тест-синов тизими ҳамда уларда таълим олишнинг тўлов-контракт шакли жорий этилди;

- сўнгги йилларда узлуксиз таълим ривожлантиришга қўйилаётган талаб асосида Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳамда мамлакатимизда чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибаси натижасида компетенциявий ёндашувга асосланган

умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Совет Ўзбекистони газетаси. 1988 йил, 17 март. (Soviet Uzbekistan newspaper. March 17, 1988)

[2] 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 342-модда; 1993 йил, 6-сон, 268-модда. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Education" of July 2, 1992 // Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1992, No. 9, Art. 1993, No. 6, Art.)

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги № 255-сонли қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan # 255 of May 27, 1993.)

[4] Аҳмад Башар Шен/ Электрон манба: www.kun.uz. (Ahmad Bashar Shen / Electronic Source: www.kun.uz/)

[5] Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1. (The National Program for Personnel Training of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, August 29, 1997 №463-1.)

[6] Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №464-1. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Education". Tashkent, August 29, 1997 №464-1)

[7] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan # 187 dated April 6, 2017 "On approval of state educational standards for general secondary and secondary special and professional education".)

[8] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 9, 2004 No 321 "On Measures for Implementation of the National Program for the Development of School Education for 2004-2009".)

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2487-сон Қарори. (The Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 9, 2016 No PP-2487 "On the State Program" Year of the Healthy Mother and Child".)

[10] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сон қарори. (The Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan # 187 dated April 6, 2017 "On approval of state educational standards for general secondary and secondary special and professional education".)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000